

Янги Ўзбекистон ёшлари: қадриятлар йўналишлари ва ўзини ўзи рўёбга чиқариш истикболлари

Академик Раъно Убайдуллаева номидаги
Учинчи социологик ўқишлар

Тошкент – 2024
«Voris nashriyot» нашриёти

UO`K 316.346.32-053.6(575.1)
КВК 60.56(5Уз6)
М-75

Академик Раъно Убайдуллаева номидаги Учинчи социологик ўқишлар. “Янги Ўзбекистон ёшлари: кадриятлар йўналишлари ва ўзини ўзи рўёбга чиқариш истиқболлари” мавзусидаги илмий мақолалар тўплами.

Таҳрир ҳайъати: Н.Х.Раҳимова - и.ф.д., В.С.Алексеева - с.ф.д. (PhD), М.А.Айдинова - и.ф.н., М.Ш.Сеитов - с.ф.д. (PhD), Д.О.Ахмедова - с.ф.д. (PhD), У.А.Абдумаликова – Тошкент: «Voris nashriyot», 2024 й., 367 бет.

Такризчилар:

Қ.Х.Абдурахмонов – ЎзРФА академиги, и.ф.д., профессор
М.Б.Бекмуродов – с.ф.д., профессор.

Тўпланда маҳаллий ва хорижий тадқиқотчи-олимларнинг «Ўзбекистон-2030» стратегияси, шунингдек, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш жараёнида юзага келаётган масалаларни акс эттирувчи илмий мақолалари эълон қилинган.

Ушбу тўпланда ёшларнинг сиёсий маданияти ва фуқаролик фаоллиги; ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги; ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий кадриятлари ва маданияти; ёш авлод таълими давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш омили сифатида; ёшлар бандлиги; замонавий дунёда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи; XXI асрнинг таҳлика ва даъватлари каби йўналишлар бўйича илмий изланишларнинг натижалари тақдим этилган.

Чоп этилган илмий мақолалар 2024 йил Ўзбекистонда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан, айниқса, долзарб ҳисобланади.

Тўпландаги материаллардан тадқиқот ишлари, ўқув ва амалий мақсадларда социолог, файласуф, психолог ва иқтисодчи-олимлар, шунингдек, докторантлар, мустақил изланувчилар, талабалар, гуманитар йўналишдаги фанлар ўқитувчилари ва бошқалар фойдаланишлари мумкин.

Мақолалар муаллифлар таҳририда чоп этилмоқда.

Муаллиф мақоланинг мазмуни ва унда келтирилган материаллар ҳамда маълумотларнинг ишончилиги учун масъул ҳисобланади, ноқонуний ўзлаштирмалар мавжуд эмаслигини қафолатлайди.

“Ижтимоий фикр” республика Маркази Илмий-методик Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2024 йил 25 сентябрдаги 17-сон баённома).

ISBN 978-9910-8885-0-2

© «Voris-nashriyot» нашриёти, 2024

ЎЗГАРИБ БОРУВЧИ ДУНЁ: ГЛОБАЛЛАШУВ ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШГА ҚОДИР

(хатар, оқибатлар категорияси)

Файзиева Ф. Б.

*Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети доцент в.б., социология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),*

Кириш. Янги даврни бошидан кечираётган дунё мамлакатларида глобаллашув феномени сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ўз таъсирини кўрсатиш билан бирга ижтимоий йўналишларда ҳам туб бурилишларга олиб келмоқда. Бу эса албатта инсоният келажагига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Тарихга назар соладиган бўлсак, ушбу жараён асрлар давомида ҳам, худди ҳозирги жараён каби барча инсонларни ўйлантиришга олиб келганини, Э.Гидденснинг «Ўзгариб борувчи дунё: глобаллашув ҳаётимизни қандай ўзгартирмоқда» (англ. Runaway World: How Globalization is Reshaping Our Lives), номли китоби мазмунидан асослашимиз мумкин. Инглиз социологи Э.Гидденс глобаллашув феноменини ва жамиятга унинг таъсирини тадқиқ этади. Глобаллашув жараёни ҳар бир даврнинг ўтиш даври билан боғлиқ жараён ҳисобланади, дейишга асос бор. 1014 йилда Йоркда руҳоний Вульфстан ваъз қилаётганда «Дунё шиддат билан ҳаракатланмоқда, бу эса дунё поёнига етганини билдиради» [1], мазмундаги мисолни келтириб ўтади инглиз социологи Гидденс.

Айнан жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида глобаллашув каби жамият манзараси, инсонларнинг турмуш тарзи ўзгаришини, уларнинг қадриятларидаги ўзгаришлар оммавий кўринишга эга бўлишини кузатиш мумкин. Э.Гидденс, глобаллашувни бир текис кечувчи ягона жараён эмас, балки, у бир қанча мураккаб жараёнларни қамраб олувчи феномен. Унинг мураккаблиги шундаки, глобаллашув жараёнида соҳалар қарама-қарши йўналишларда ривожланади, суверен давлатлар эгалик қилган баъзи иқтисодий ваколатлар йўқотилиши мумкин,[2] деб ёзади.

Глобаллашув жараёнини талқин қиладиган бўлсак, энг авалло унинг луғовий маъносига юзланамиз. Фалсафа қисқача изоҳли луғотида, «Глобал (умумбашарий) муаммолар» [3], деб таъриф берилади. Кўплаб луғовий адабиётларда, глобаллашувни латин тилида «globus» – шар маъносини бериши, француз тилида эса «global» – энг умумий, деган маънони англатилиши айтиб ўтилади.

Албатта глобаллашув маъносидан келиб чиқиб, глобаллашувни, жамиятнинг ҳаракатланиши, яъни жамият ҳаракати бутун дунё бўйлаб содир этилишидир, дейиш мумкин. Бу қандай кечади, ахборотлар кўлами кенгайиши эвазига, инсонларнинг ахборот эҳтиёжлари ортиб бориши билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Инсоният ҳар бир даврда дунёни англашга интилади, дунёни англаш йўлида турли манбаларни излайди, табиат ўзгариш сабабларини, инсонни дунёга келиш мақсадини. Умуман яшашдаги мақсадларни ўрганишга ҳаракат қилинади ва ушбу йўлларда изланишлар асосида турли манбаларни ўрганади, янги манбаларни яратади. Бу жараёнда эса, инсонларда янги фикрлар, дунёга бўлган қарашларда ўзгаришлар намоён бўлади. Айнан бу каби жараён таъсирида дунёда тараққиёт вужудга келади, ушбу тараққиётнинг дунё бўйлаб таъсир қилиши глобаллашув ҳисобланади. Глобаллашув дунё ривожланиши жараёнидаги бир қисми ҳисобланади.

Ушбу жараён, энг аввало ижтимоий жараёнлар ўзгаришлари ва бу ўзгаришлар жамиятнинг ҳар бир соҳасини қамраб олади. Бу бўлсин ривожланиш, ривожланишдаги ижобий ўзгаришлар ва шу билан бирга салбий ўзгаришларни ҳам келтириб чиқариши бундан мустасно эмас. Глобаллашув жараёни энг авалло ижтимоий жараён ўзгаришларини келтириб чиқаришини бежизга айтмадик, чунки ушбу жараён инсонлар ва табиий жараённинг мувозанатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ жараёндир.

Асосий қисм. Мақолада, глобаллашув жараёнининг ёшлар қадриятларига қандай таъсирини, унинг оқибатларини таҳлил қилиб кўрамиз. Бугунги кунда инсонлар умри давомида дунё мамлакатларини, бутун ер шари бўйича, дунёни айланиб чиқиш имкониятлари мавжуд. Дунёнинг бир чеккасида яшаётган инсон,

умуман қарама қарши томонида яшаётган инсонларнинг турмуш тарзини, уларнинг ҳозир нима иш билан машғул эканликларини кузатиш имконияти туғилди. Ҳар бир инсон ахборот манбасига эга, ахборот эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда ва ушбу ахборотларни ҳар ким ўз талқини асосида ҳазм қилмоқда.

Э.Гидденс, глобаллашувнинг ривожланиш даврининг авж олиши, радио, телевидениянинг оммалашган вақтига тенглаштиради.

Айниқса бугунги кунда инсонларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжлари жуда юқори. Мақоламиз бошида келтирилган, “Дунё шиддатли ҳаракатланмоқда ва дунё ниҳоясига етмоқда”, деган иборани 1014 йилларда руҳоний томонидан айтилгани келтирилган эди. Бу каби иборани ота-оналаримиздан, кекса инсонлардан кўп эшитамиз, уларнинг ота-оналари томонидан ҳам ушбу иборани қайта-қайта айтилганини, барча кекса авлод вакиллари уғитларидан эшитган. 60 йилларда ёшлар учун калта кўйлақлар, клёш шимлар урф бўлганини кўриш мумкин. Бизгача етиб келган асарларда, фильмларда “замон ўзгариб борапти, ёшлар ажнабий кийимлар киймоқда, замон охирига етмоқда”, деган ибораларни ишлатилганини кузатиш мумкин. Ғофур Ғуломнинг “Шум бола” асарида, Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғалони” спектаклида ва яна кўплаб асарларда “дунёнинг манзараси ўзгариб бораётгани, дунё тезлашгани, ёшлар қадриятларни унутаятгани, бу эса дунёни охирлаб бораётгани”, каби иборалар ишлатилганини келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, дунё манзараси ўзгариши ва бу ўзгаришларнинг инсонларга таъсир қилиши, уларнинг турмуш тарзида уйғунлашиши, қадриятлардаги ўзгаришлар, ва кейинги авлодлар алмашинувидаги яна ушбу жараённинг такроран бўлиши, бу глобаллашув жараёни бўлиб, дунёнинг янада ривожланиб бораётганини айтиш мумкин. Дунё ривожланишида инсонлар ҳам тараққий этади, имкониятлар янада кегаяди, инсонлар ҳаётларидаги қийинчиликларни енгиллаштиришга мияссар бўладилар. Автомобиллар ихтироси, компьютер, кир юувчи автомат машинаси, автопилотли автомобил бошқаруви ва ҳ.к. Инсонларнинг ҳаётини янада енгиллаштирувчи мосламалар тобора кўпайиб бормоқда.

Лекин бунинг иккинчи томони, яъни қарама қарши оқибатлари ҳам мавжуд, ҳавф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда ёшларнинг қадриятлар йўналишларидаги ўзгаришларини айтиб ўтиш мумкин.


Янги даврда глобаллашув мавзуси барча соҳа мутахассислари учун жуда долзарб бўлиб, энг аввало ушбу мавзу социологлар учун асосий ўрганиш объектига айланиб бормоқда. Чунки янгиланиб бораётган жамиятимизда турли масалалар айнан глобаллашув билан ўзвий боғлиқ бўлмоқда. Глобаллашув қандай кечмоқда, глобаллашув муаммоси қандай ҳудудларни қамраб олмоқда ва унинг оқибатлари жамиятга қандай таъсир қилмоқда, деган саволлар барча мутахассисларни ўрганиш объектига айланган.

Гидденс глобаллашувнинг икки ҳавфи, ташқи ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳавфлар ҳақида айтиб ўтади. Ташқи ҳавф биз билан боғлиқ жараёнлар эмас, у табиат билан боғлиқ ҳодисалар, сув тошқини, эпидемия, очарчилик каби ҳодисалар бўлса, иккинчи ҳавф эса, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, глобаллашув жараёнида дунёни ўрганиш, янгидан барпо этилаётган дунёга кириб бориш билан боғлиқ жараён ҳисобланади,[4] деб айтиб ўтади.

Айнан шу ҳавфлар, айниқса иккинчи ҳавф ёшлар қадриятлар йўналишларида катта бурилишлар ясамоқда. Ёшлар қадриятлари, энг аввало оилада, мактаб даврида ва кейинги ўринларда оммавий ахборот манбалари таъсири асосида шаклланади. Айниқса, бугунги кунда ахборотга бўлган эҳтиёжлар тобора ортиб бораётган даврда, ёшлар онгида “исён” ҳолатлари рўй беради. Глобаллашув ёшларнинг ижтимоий йўналишларини тубдан ўзгартириб юборишга қодир бўлмоқда, улар онгидаги исён, йиллар давомида шаклланган қадриятлар билан ҳозирги давр муносабатлар, қарашларнинг бир бирига зид келишларидадир. Бу эса уларнинг дунёга ўз ғоялари билан кириб боришида қийинчиликлар ва шу билан бирга имкониятлар эшигини ҳам очмоқда. Бу ерда яна бир муҳим жиҳатлари бу ҳолат келажак авлодга, яъни ҳозирги ёшлардан кейинги авлодга қандай таъсир қилади.

Биз томонимиздан, “Замонавий ёшларнинг қадрият йўналишлари” мавзусида ўтказилган социологик сўровноманинг асосий бўлимидаги

саволларнинг бирида, ёшларга, “Сиз ҳаётингизда энг кўп нималарни қадрлайсиз?”, деган савол берилди. Ушбу саволга ёшлар қуйидагича жавоб олинди:



Расм. 1. “Замонавий ёшларнинг қадрият йўналишлари” мавзусидаги социологик тадқиқот

Ёшларнинг жавобларида, 17% бойлик, 16% оила, 12% саломатлик, 11% ижтимоий мавқе ва севги, 8% ва обрўли бўлиш, таниқли бўлиш, 7% фаол ҳаёт, эркинлик, 6% ижодкорлик ва 5% дўстлик, деган жавобларни кўриш мумкин. Ёшлар фикри бўйича бойлик энг муҳим қадрият бўлиб, ҳаётда инсон ўз ўрнини топишда бойлик, бой, бадавлат бўлиш муҳим эканлиги ва ўз навбатида инсоннинг яхши яшашида, бахтли оила қуришда, моддийликнинг ўрни катта эканлиги айтиб ўтилган. Дўстликни қадрли деб билувчи ёшлар камчиликни ташкил қилган. Бугуннинг ёшларида реал ҳаётда дўст тутинишдан кўра нореал, вертуал дўстлик муҳим бўлиб бормокда. Ёшларда дўстлик тушунчаси янгича талқин бўлмокда. Илгаридан бизга маълум бўлган дўстлик ҳақидаги мақол, ҳозирги кунда ёшлар тилида бошқача талқин қилинади, яъни “Сенинг яхши кунингда, сенинг ютуқларингда сенинг ёнингда бўла оладиган дўст, ҳақийқий дўст”, деб талқин қилади. Ёшлардан, ушбу мақолнинг мазмунини билишга ҳаракат қилинди, нима учун айнан яхши кунда. “Ёмон кунингда шундоқ ҳам қарашувчилар бўлади, ўз яқинларинг ёнингда бўлади, лекин яхши кунингда, дўст бўлса, у яхши кунингни ҳам кўра олиши керак, ёнингда бўлиш керак”, деган фикрлар бўлди. Ушбу фикрларда, инсоннинг ёмон кунларида ёнида ҳамроҳ бўиш туйғуси эмас, кўпроқ инсоннинг ютуқларга эришишидаги унинг мақтовга сазовор бўлиши кераклиги муҳим бўлмокда.

Глобаллашувнинг асосий кўринишларидан бири ахборот ҳажмининг кўплиги ва унинг инсонлар томонидан ҳазм қилиш имкониятлари. Бу ҳолат эса, маданият намуналарининг англолмаган ҳолда тезкорий ўзгаришига олиб келади. Маданиятлар уйғунлашуви, турли қадриятлар ва маданиятларнинг, сўзлашувнинг, инсонларнинг бир бирига бўлган муносабатларнинг англолмаган ҳолда, тезликда ўзгариб бориши, ёшларнинг қадрият йўналишларининг ўзгаришига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида, анъанавий қадриятлар, маданий муносабатлар, ўз ўрнини янгича талқиндаги қадриятлар, ҳулқ-атвор моделларига бўшашиб беради.

Машҳур актер Жеки Чан, ўзининг ва ўғлининг тарбияси ҳақида шундай дейди, “Биз отамизни кўрганда, ўрнимиздан турамиз ва таъзим қилиб салом берар эдик. Отамни олдида хаттоки қаттиқ гапирмас эдик, бу бизга тарбия билан кирган, бизнинг ёшимиздаги инсонлар мен каби тарбия кўришган. кўчадан уйга кирганимиздан оёқ кийимларимизни тартибга келтириб қуяр эдик, кийимларимизни жавонга тартиб билан жойлаштирардик, ундан кейин кўлимизни юшиб столга овқатланиш учун ўтирар эдик. Ота билан дастурхон атрофида ўтирганда, ота овқатга қўл ўзатмасдан, биз фарзандлар қўл ўзатмас эдик. Бу биздаги тарбия эди. Менинг ўғлим эса, кўчадан кирганда оёқ кийимларини умуман таҳламайди, бир оёқ кийими кўчада қолса, иккинчиси уйни ичига киради. Саломлашгандаям, салом сўзини охиригача гапирмайди, қисқартириб куйган. Гапирганда қимирламасдан гапиролмайди, агар қимирлама тўхта десам, у тўхтаганда нутқиям тўхтайди...., балки бу ҳозирги ёшларга хос ҳаракатлардир, мен уни тушунмасдирман” [5].

Ҳозирги ёшларга хос ҳулқ-атвор модели. Янгиланиб бораётган Ўзбекистон ёшларига ҳам ушбу ҳулқ-атвор модели аллақачон сингиб бўлган, лекин ўзбек оилаларидаги ўзбекона тарбия жараёни ёшлардаги глобаллашув таъсиридаги ҳулқ-атвор моделини тартибга солишга қодир.

Ўзбек оилаларидаги ёши улуғ инсонларнинг ёш авлодга намуна бўлишида, ёши улуғ инсонларнинг оилада ва жамиятда ҳурматини янада юқорига кўтариш лозим.

Яна шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда глобал фуқоролик, ёшларни ўз навбатида глобал оламнинг бир бўлаги сифатида хис қилишлари ва дунё муаммоларига бефарқ бўлмасликка ундайди. Бу эса ёшларда нафақат миллий ғурур, уларда глобал ғурур, бирдамлик, бағрикенглик тушунчаларининг янгича моделини шаклланишига олиб келмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, глобаллашув замонавий ёшларда ўз тақдирини ўзи белгилаш, қадриятлар масаласида эркинлик тенденциялари, уларда янгича хулқ-атвор моделини шакллантирди.

Замонавий ёшлар ижтимоийлашувида рақамли идентиклик муҳим рол ўйнамоқда. Ёшлар ўзларини намоён қилишда, иқтисодий эркин бўлишда ахборот технологияларининг ўрни жуда катта. Замонавий ёшлар медиа истеъмоличиси сифатида ижобий ва салбий бурилишларга дуч келмоқдалар. Ижобий томонлари, ҳар бир ёшнинг реал ҳаётда ўзини намоён қила олмаган жиҳатларини медиа маконда намоён қила олиш имкониятлари кучаймоқда, шу билан бирга улада иқтисодий эркинлик эшиклари очилмоқда. Ёшлар медиа орқали турли тилларни ўрганмоқда, турли соҳаларда билимларни эгалламоқда, ўзини ижодий қирраларини намоён қилмоқда. Илгарилари йиллар давомида эгаллаш лозим бўлган билимларни тез фурсатларда ўрганишга муяссар бўлмоқдалар.

Салбий таъсири эса, ёшларни тобелик хиссини кучайишига олиб келиши, ахборот истеъмолида саёзлик, ахборотларни моҳиятан талқин қила олмаслик, дўстлик ришталари реал воқеликдан кўра нореал, вертуал мулоқотларнинг устун бўлиши, чиройли, намунавий ҳаётни фақатгина вертуал мулоқотлар учунгина бўлиши каби ҳолатларни келтириб чиқариши билан боғлиқдир.

Ёшлар қадриятларида асосан “Биз” образи, анъана тарзда кўпчиликлар асосида шаклланган, глобаллашув натижасида эса, замонавий ёшларда “Мен” образи устинлик қилиши, мен, индивидуаллик, мартабага эришиш, бойлик, мақсадга эришишда ҳар турдаги ижтимоий алоқаларни қўллаш каби хусусиятлар кириб бормоқда. Глобаллашув жараёни ёшлар қадриятларига мураккаб ва кўп қиррали таъсир кўрсатмоқда.

Таклифлар. Глобаллашувнинг салбий оқибатларини олдини олишда эса, аввало миллий кадриятларни ёшлар тарбиясида янада кучлироқ синдириш лозим. Ушбу жараёнларни ёшларнинг таълим тарбия, оилаларда миллий кадриятларнинг сингдирилишига эътиборни кучайтириш билан бирга, ижтимоий жараёнларда, ўзаро муносабатларда ёшларга миллий ғурур тушунчаларини янада кенгроқ сингдириб бориш муҳим.

Жамият тобора шиддатли ривожланаётган даврда ахборот алмашинувининг таъсири жуда катта. Ёшлар энг аввало, турли хулқ – атвор моделларини вертуал олам орқали уйғунлаштирмоқда. Шундай экан, ёшларда миллий ғурур, миллий онгни ривожлантиришда вертуал олам имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур. Ёшлар ахборот кўламига тобелик даражаси ўсиб бораётган бир даврда, улардан ахборот кўламини тортиб олишга интилиш эмас, балки ахборотларни онгли филътр қилиш кўникмасини сингдириш керак. Бунинг учун медиа ахборот манбаларига миллий ғурур, миллий қаҳрамонларни ёшларга қизиқарли контенти орқали шакллантириш лозим, бу миллий контент нафақат Ўзбекистон ёшлари учун, балки дунё ёшларини ҳам жалб қила оладиган бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Э.Гидденс “Ускользающий мир: как глобализация меняет нашу жизнь” 2004. М.: Изд-во «Весь Мир», 2004. С. 23-36
2. Фалсафа (қомусий луғат). Т.: Шарқ.2004. Б.496
3. Э.Гидденс “Ускользающий мир: как глобализация меняет нашу жизнь” 2004. М.: Изд-во «Весь Мир», 2004. С. 36-40
4. <https://idaprikol.ru/video/dzeki-can-o-molodezi-DBYOMs0o9>
5. Beck, U. (2000). What Is Globalization? Cambridge: Polity Press.
6. Giddens, A. (1991). Modernity and Self-Identity. Cambridge: Polity Press.
7. Alikariev N.S., Alikarieva A.N. Oliy ta’lim sifati menejmenti tizimini rivojlantirish konsepsiyasi//“Sotsiologiya fanlari” (www.tadqiqot.uz\soci) elektron jurnali. №1. Toshkent, 2020. – B. 7-18. DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1>.
8. Alikariyev N., Alikariyeva A. Complex factors of increasing the efficiency of human labor//Neuro Quantology. November 2022. Volume 20. Issue 18. Page 102-

107.doi: 10.14704/nq.2022.20.18.NQ880012.ww.neuroquantology.com. EISSN-1303-5150.

9. Тураев Б.О. Танланган асарлар 2 жилд. // Ijtimoiy falsafa, sotsiologiya, milliy g'oya va publitsistika. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2015. Б. 278.

10. Fayzirva F. «O'zbekistonda amaliy sotsiologik tadqiqotlar samaradorligini oshirish mexanizmlari». disser. Uzbekistan.Tashkent. 2023 yil. DK:316.34:301.1:314.335.24(575.1)

11. Factors in American Civilization: Studies in Applied Sociology. Brooklyn Ethical Association Fb&c Limited, 2015 M07 2 P.442

ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ЗДОРОВЬЕ МОЛОДЕЖИ

*Халикова С. Я.
студентка 4-курса
факультета социальных наук
кафедры социологии, Национальный
университет Узбекистана
имени М. Улугбека*

Современный мир трудно представить без цифровых технологий. Они прочно вошли в жизнь каждого человека, особенно молодых людей, которые с раннего возраста осваивают интернет, смартфоны и социальные сети. Цифровые технологии открывают возможности для обучения, общения, развлечений, доступа к информации и т.п. Однако их влияние на здоровье молодежи является предметом активных дискуссий. Современное поколение детей и молодежи воспринимает технологии как неотъемлемый атрибут своей жизни, позволяющей коммуницировать не только в реальном, но и в виртуальном пространстве, независимо от местоположения субъектов общения, их возраста, гендера, социального статуса, в любое время суток, посредством мобильных устройств, имеющих доступ к сети Интернет. В последние десятилетия цифровые технологии стали неотъемлемой частью жизни молодёжи. Однако с ростом использования технологий возникает множество вопросов о их влиянии на психическое здоровье

Камалова Н.Ш. Социальные аспекты занятости молодежи в современных экономических условиях.....	101
Куанишова Д. Т. Проблемы молодежи и их решение в эпоху глобализации.....	105
Мамасолиев С. Правовое сознание молодежи – социологическая интерпретация.....	113
Саидова М.У. Значение харизматических качеств в проявлении молодыми людьми своих возможностей.....	116
Сеитов М.Ш. Молодежь нового Узбекистана: состояние и перспективы	121
Таджибаев А.Б. Молодёжь Узбекистана: самореализация, поддержка и приоритеты	127
Тешаев Д.М. Роль и обязанности семьи в системе социальных институтов.....	134
Турдикулов Ш.Х. Молодежь – движущая сила гражданского общества в борьбе с коррупцией.....	140
Файзиева Ф. Меняющийся мир: как глобализация меняет жизнь молодежи (категория риска, последствия)	146
Халикова С. Я. Цифровые технологии и здоровье молодежи	154
Хожиев З.Ф. Социологический анализ привлечения молодежи на государственную службу и адаптация к профессиональной среде.....	161
Худайбердыева С.Б. Молодежь и развитие ценностей в эпоху глобализации.....	169
Эрйигитова Л. Молодёжь и изменение ценностей в период глобализации.....	177

Н.Х.Раҳимова - и.ф.д., В.С.Алексеева - с.ф.д. (PhD),
М.А.Айдинова - и.ф.н., Д.О.Ахмедова - с.ф.д. (PhD),
М.Ш.Сеитов - с.ф.д. (PhD), У.А.Абдумаликова.

Янги Ўзбекистон ёшлари: қадриятлар йўналишлари ва ўзини ўзи рўёбга чиқариш истикболлари”

Академик Раъно Убайдуллаева номидаги
учинчи социологик ўқишлар

*Илмий мақолалар тўплами
(мақолаларнинг мазмуни учун
муаллифлар шахсан масъулдирлар)*

Компьютер таҳрири: Куляпина И.М.

“Voriz-nashriyot” нашриёти, 2006 йил 23 феврал, 2015881-сонли лицензияси
Нашриёт манзили: Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Офсет қоғози. Бичими 60 x 84. 1/16. Тимес гарнитураси. офсет усули.
Шартли б.т -22,75. Буюртма № 72. 18.11. 2024. Адади 100 нусхада
МЧЖ “Munis design group” босмахонасида чоп етилди.
100000 Тошкент ш., Буз-2 мавзе, 17-А уй.